



Бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин!» дедилар. «Эй Аллоҳнин Расули, кимнинг?», дейишди. У зот Ота-онаси ёки улардан бири кексайганда (уларни рози қилиб,) жаннатга кириб олмаган кишининг», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин!» дедилар. «Эй Аллоҳнин Расули, кимнинг?», дейишди. У зот Ота-онаси ёки улардан бири кексайганда (уларни рози қилиб,) жаннатга кириб олмаган кишининг», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам (бир кишини) хорлик ва расволикка дучор бўлишини тилаб дуо қилдилар, ҳатто бу дуолари билан унинг бурни тупроққа ишқалангандек бўлди — буни уч бор такрорладилар. Шунда: «Эй Аллоҳнинг Расули, сиз бунчалик дуоибад қилган кимса ким?» деб сўралди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ота-онаси кексайган вақтда уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиб жаннатга кириш имкони бўла туриб, буни қўлдан бой берган, уларга ёмон муносабатда бўлиб, оқ бўлган киши хор бўлсин», деб марҳамат қилдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3718>

